O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 5 апрел пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 67 (2629)



# ТАШРИФ САМАРАЛИ КЕЧМОҚДА

**Берлин, 3 апрел. ЎзА махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Германия Федератив Республикасига кеча бошланган расмий ташрифи жуда самарали кечмоқда. Бугун давлатимиз раҳбари ГФР федерал ички ишлар вазири Отто Шили билан учрашди. Учрашувда мамлакатларимиз ички ишлар вазирликлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида сўз борди. Жумладан, уюшган жиноятчилик, наркотикларнинг ноқонуний савдоси, экстремизм ва халқаро терроричиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокара чоғида икки давлат ички ишлар вазирликлари тизимидаги ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, семинарлар, амалий машғулотлар ташкил этиш тўғрисида ҳам келишиб олинди.

Президент Ислом Каримовнинг ГФР вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Йошка Фишер билан учрашувида долзарб халқаро муаммолар, икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди. Томонлар ташқи сиёсат борасида бир-бирини қўллаб-қувватлашга келишиб олди.

"Бельвью" саройида давлатимиз раҳбари ГФР Федерал Президенти Йоҳаннес Рау билан музокара ўтказди. Президентлар мулоқотида икки давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро савдо-сотиқ ҳажмини ошириш борасида фикр алмашилди.

Умуман, ташрифнинг бугунги куни турли учрашув ва тадбирларга жуда бой бўлди. Ислом Каримов "Даймлер-Крайслер" компаниясининг бош қароргоҳида ГФРнинг етакчи ишбилармон ва молиявий доиралари вакиллари билан учрашди. Президентимиз Германия бизнеси вакилларига мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шароит тўғрисида гапириб берди.

— Биз мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш борасида улкан ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, — деди, жумладан, давлатимиз раҳбари. — Бу саъй-ҳаракатлар натижасида сизнинг иқтисодиётимизга сармоя киритишингиз, Ўзбекистонда иш юритишингиз янада осонлашади, фаолиятингиз ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланади.



Ислом Каримовнинг ГФР федерал иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер билан ўтказган учрашувида ҳам иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш музокараларнинг бош мавзуси бўлди. Хусусан, мамлакатимизга Германиянинг юқори технологияларини олиб кириш масаласи муҳокама қилинди.

Шу куни Берлинда Ўзбекистон элчихонасининг очилиш маросими бўлди. Маълумки, ГФРдаги элчихонамиз илгари Боннда жойлашган эди. Германиянинг пойтахти Берлинга кўчгач, элчихонамиз ҳам шу ерга жойлаштирилди. Элчихонанинг очилиш маросимида Германия раҳбарияти вакиллари, нуфузли немис сиёсат ва давлат арбоблари иштирок этди. Шу муносабат билан бу ерда ош дамланди. Юртимиздан маросимга таклиф этилган санъаткорлар миллий қўшиқ ва рақслар ижро этди.

* * *

**Берлин, 4 апрел. ЎзА махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади:**

Бугун Президентимиз Германияга сафари давомидаги энг муҳим учрашувлардан бирини ўтказди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур мамлакат Федерал Канцлери Г.Шрёдер билан бўлган мулоқотида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболдаги барча йўналишлари бўйича кенг фикр алмашилди. Жумладан, ўзаро иқтисодий-сиёсий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда хавфсизлик, халқаро терроричилик ва экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш билан боғлиқ масалалар муҳокама мавзуси бўлди.

Ислом Каримов Берлиннинг бошқарувчи бургомистри Э.Динген билан қилган суҳбатида эса биродарлашган икки шаҳар — Тошкент билан Берлин ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга кўтариш хусусида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари ГФР Бундестаги раиси В.Тирзе билан ўтказган учрашувда мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик, депутатларнинг ўзаро мулоқотларини кўпайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Бугуннинг ўзида Ислом Каримов Берлиндан Дрезденга келди. Шаҳар аэропортида давлатимиз раҳбарини Саксония федерал ерининг давлат иқтисодиёт ва меҳнат вазири К.Шоммер кутиб олди. Оқшом Саксония Бош вазири К.Биденконф Ислом Каримов ва рафиқаси шарафига расмий қабул маросими уюштирди.

Эртага Президентимизнинг "Инфенион" юқори технологиялар корхонасини бориб кўриши, "Ман Такраф" компанияси директорлар кенгаши раиси Р.Каргер билан учрашиши кутилмоқда.

*СУРАТДА: Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Германия Федерал Президенти Йоҳаннес Рау билан учрашув чоғида.*

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

***Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида гиёҳвандликка қарши курашга қаратилган қонунларнинг ижроси бўйича республика Прокуратураси ва ички ишлар органларининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисни қўмита раиси Н.Исмоилов олиб борди.***

Депутатларнинг айтишларича, гиёҳвандликка қарши курашга қаратилган қонунларнинг ижроси бўйича ҳуқуқни маҳофаза қилиш органлари олиб бораётган ишлар муайян ижобий натижалар бермоқда.

Бошқа мамлакатларга бизга яқин қўшни давлатдан мамлакатимиз ҳудуди орқали гиёҳванд моддаларни транзит тарзида олиб ўтилишининг олдини олиш, кўкнори ва наша экилган экинзорларни аниқлаш ва йўқ қилиб ташлаш бўйича прокуратура ва ички ишлар органлари томонидан кескин чоралар кўрилмоқда. Сўнгги уч йилнинг ўзида ички ишлар органлари томонидан 4 тоннадан зиёд гиёҳванд воситалар тортиб олинди, гиёҳванд моддалар олиш учун 9 гектардан зиёд майдонда ўстирилаётган ўсимликлар йўқ қилинди. Прокуратура ва ички ишлар органлари томонидан гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлиши билан боғлиқ жиноятларни ўз вақтида тергов қилишга қаратилган таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Ушбу тоифадаги ишларни ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида дастлабки тергов қилиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати кучайтирилган.

Шу билан бирга, деб таъкидлаб ўтилди мажлисда, гиёҳвандликка қарши курашга қаратилган қонунларнинг ижроси борасидаги ишларда камчиликлар ҳам мавжуд. Гиёҳвандликка йўлиққан беморларни мажбурий даволаш тўғрисидаги суд қарорлари лозим даражада ижро этилмаяпти. Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши курашнинг халқаро амалиётда қўлланиладиган самарали усуллари ва шаклларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ёшлар ўртасида гиёҳвандликка қарши кураш борасидаги ишларни ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди.

Қўмита томонидан қабул қилинган қарорда прокуратура, ички ишлар органлари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотларга гиёҳвандликка қарши курашнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш ва амалдаги қонунларнинг ижроси самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш, тегишли идораларга гиёҳвандликка қарши курашга қаратилган қонунлардан келиб чиқадиган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тавсия этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Америкалик ишбилармонлар — Ўзбекистонда

***АҚШ Олий ислом кенгаши вакилларидан иборат делегация Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Делегация таркибида иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган компания ва фирма вакиллари бор. Пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида мазкур делегация аъзолари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди.***

Семинар мамлакатимизнинг ҳозирги иқтисодий имкониятлари, хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит, халқ хўжалигининг муҳим тармоқлари ҳамда хорижий мамлакатлар билан истиқболли ҳамкорликка бағишланди.

Семинарда сўзга чиққан меҳмонлар Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш борасида узоқни кўзлаб юритаётган сиёсатини юксак баҳолади. Таъкидландики, айни сиёсат ислом оламида ҳам, жаҳон ҳамжамияти олдида ҳам мамлакатимиз нуфузини тобора оширяпти.

Бизнес-семинарда меҳмонларга Ўзбекистон халқ хўжалигининг истиқболли тармоқлари ҳақида тўла ахборот берилди. Шунингдек, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари, жумладан, хусусийлаштириш жараёнидаги сўнгги янгиликлар, хорижий сармоя жалб этиш имкониятлари ҳақида сўз борди.

Америкалик меҳмонлар ташрифи давомида пойтахтимиздаги турли вазирлик, корхона ва муассасаларда бўлиб, уларнинг иши билан танишади.

**(ЎзА).**

# Мамлакатимизда

## Урганчнинг чўнг бозори

*Урганчда бозорлар сони яна биттага кўпайди. Шаҳарнинг энг қулай майдонида иккита ёпиқ ва битта очиқ павильонлардан иборат бўлган марказий бозор фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотнинг бошқаларидан афзаллиги шундаки, бу ерда бир пайтнинг ўзида 3,5 минг нафар сотувчи турли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиш имкониятига эга.*

## 100 миллион сўмлик маҳсулот



*Харабеклик 150 нафар йигит-қиз доимий иш ўринларига эга бўлди. Бу ерда трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган фабрика иш бошлади. Йилига 100 миллион сўмлик харидоргир саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхона тўлиқ ишга тушгач, ишчилар сони 300 нафарга етади. Гап шундаки, бундан уч йил муқаддам Андижон туманидаги «Семург» акционерлик жамиятига қарашли бўлган ушбу корхона турли сабаблар билан ўз фаолиятини тўхтатган эди. Сармоядор Саидаҳрор Икромов ташаббуси билан корхона тўла таъмирланди ва зарур ускуналар ўрнатилди. Бугун ушбу корхона «Илҳом» номи билан қанот ёзмоқда.*

## Бирйўла 16 хил ғишт

*Қамашидаги ғишт заводида бирйўла 16 хил ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Бунга қандай эришилди? Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан 2 миллион 980 минг 700 АҚШ доллари миқдорида олинган кредитга Германия ва Туркиядан энг замонавий технологик линиялар олиб келиниб, ўрнатилди. Эндиликда бир йилда 64 миллион дона сопол ғишт, плитка ва бошқа шунга ўхшаш қурилиш материаллари тайёрлаш мумкин.*

# Чоршанба хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

# Пойтахтда

## Миллий матбуот марказида мулоқот

**Кеча республика Миллий матбуот марказида «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария бош бошқармаси ҳамкорлигида бугунги кунда Европа мамлакатларида кенг тарқалаётган оқсил касаллигининг олдини олиш масаласига бағишланган конференция бўлиб ўтди.**

**Унда «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси президенти Юсуфжон Шодиметов, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария бош бошқармаси юқумли касалликлар бўлими бошлиғи Р.Тен, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти бошлиғи Н. Отабеков ва бошқалар ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва мазкур эпидемия тарқалишининг олдини олиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.**

**Конференцияда мутасадди раҳбарлар томонидан юқумли оқсил касаллиги тарқалишининг олдини олиш тўғрисида тайёрланган тавсиянома лойиҳаси муҳокама қилинди. Мутахассислар эса журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.**



**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ер юзида

## Нью-Йоркдан Женевага

*Шу кунларда Россия ва Белорус иттифоқи Давлат котиби Павел Бородиннинг АҚШ қамоқхонасидан Швейцарияга жўнатилиши кутилмоқда, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Маълумки, у шу йилнинг январ ойида Швейцария прокуратураси томонидан порахўрликда айбланиб, Нью-Йорк аэропортида ҳибсга олинган эди. Хабарларга қараганда, хавфсизлик чораларини сақлаш мақсадида унинг Нью-Йоркдан Женевага олиб келиш куни ошкор этилмаяпти. Швейцария расмийлари Кремлдаги таъмирлаш ишларига бош бўлган П. Бородиннинг ўз мамлакати ширкатларидан 30 миллион АҚШ доллари миқдорида пора олганликда айбламоқда.*

## Айблар тасдиқланса...



*Югославия раҳбари Воислав Коштуница собиқ Президент Слободан Милошевични Гаагадаги халқаро трибуналга топширилишига қарши эканлигини яна бир бор таъкидлади. Бундан тўрт кун аввал қамоққа олинган собиқ раҳбарга ҳокимиятни суиистеъмол қилганлик, порахўрлик ва фитна уюштирганлик айби қўйилмоқда. Агар ушбу айблар тасдиқланса, С. Милошевич 15 йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Бироқ терговчиларнинг уқтиришича, уларнинг қўлида собиқ Президентни ўлим жазосига ҳукм этувчи далиллар ҳам бор эмиш.*

## Экипаж аъзолари озод этиладими?

*Куни кеча АҚШ Президенти Жорж Буш Пекин расмийларини Америка разведка самолёти экипажи аъзоларини зудлик билан озод этишга чақирди. Маълумки, ушбу самолёт Хитой самолёти билан тўқнашиб кетгандан сўнг ХХР ҳудудига қўнишга мажбур бўлган эди.*
*Ж. Бушнинг баёнот беришича, 24 нафар америкаликни озод этишдан бош тортиш халқаро можароларга ва охир-оқибат икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига сабаб бўлиши мумкин.*

*Кечаги хабарларга қараганда, экипаж аъзолари ўзларини яхши ҳис қилишмоқда. Аммо уларнинг кейинги тақдири нима билан тугаши мавҳумлигича қолмоқда.*

шарҳ

# Оқсилми ёки оқсим?

***Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситалари — радио, телевидение ва даврий матбуот орқали Оврупо ва ҳатто Осиёнинг айрим мамлакатларида чорвачиликда тарқалаётган «яшчур» касаллиги ва унинг хавфли оқибатларидан огоҳ этувчи мунтазам чиқишлар бўлаяпти.***

**Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларида ушбу вирусли касалликнинг ўзбек тилидаги атамаси уч шаклда — «оқсим», «оқсил», шунингдек, «яшчур» деб берилмоқда. Бундай ҳар хиллик кенг жамоатчиликда ҳам англашилмовчиликларни туғдирмоқда.**

**Шу муносабат билан газетамиз мухбири масалага ойдинлик киритишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги республика Атамашунослик қўмитаси мутахассисларига мурожаат қилди. Ушбу қўмита бош мутахассиси Алишер Ҳасанов шундай деди:**

— Ўзбек халқ шеваларида бу касаллик «овсил» (яъни оғиз сили) деб юритилади. Бу касаллик бир қатор илмий манбаларда, чорвачиликка оид адабиётларда, тиббий русча-ўзбекча луғатда, ўзбекча-русча луғатларда «оқсил» деб берилган. Жумладан, «Русча-ўзбекча луғат» (1954 йил), «Русча-ўзбекча медицина луғати» (2-жилд, 1970 йил), «Ўзбек энциклопедияси» (8-жилд, 1976 йил), «Энциклопедик луғат» (2-жилд, 1990 йил), «Чорвачилик атамаларининг русча-ўзбекча қисқача луғати» (1996 йил), «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1-жилд, 1981 йил), шунингдек, ветеринария бўйича қонунлар тўплами (1998 йил, 1-жилд, 33-бет)да бу атама «оқсил» тарзида берилган. Республика Атамашунослик қўмитаси юқоридаги манбалар ва соҳа мутахассисларининг фикрига асосланиб, бу касалликнинг номини «оқсил касаллиги» тарзида қўллашни тўғри, деб ҳисоблайди. Чунки «оқсил» деганда русчадаги «белок»ни ҳам тушуниш мумкин. Шунинг учун уни бирикма тарзида, яъни «оқсил касаллиги» деб ёзиш мақбулдир.

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

Ўзбекистон — Германия: ҳамкорлик уфқлари

# МИЖОЗЛАРГА ЁҚИБ ҚОЛГАН «АЛКАТЕЛ»

***Немис технологияси Наманганга дастлаб телефон алоқа тармоғи орқали кириб келди. Олти йил аввал энг замонавий станция хизматидан фойдалана бошлаган мижозлар бугун унинг чиндан ҳам жоннинг роҳати эканлиги ҳақида гапиришяпти. «Наманган-Телеком» ҳиссадорлик жамиятидагилар эса Германиянинг «Алкател» фирмасини ҳамкор сифатида танлаганликларидан хурсанд.***

«Алкател»нинг афзаллиги нимада, у қайси жиҳатлари билан ўзбек мижозларига ёқиб қолди?», деган савол туғилиши табиий. Немис мутахассислари Наманганда тармоқни ислоҳ қилиш юзасидан амалга оширган ишларни кузатган киши буни илғаб олиши қийин эмас. Аввало, вилоят марказидаги энг йирик бўғин — 6-автомат-телефон станциясига замонавий электр алоқа мажмуи ўрнатилгандан сўнг унинг ишлаш сифати тубдан ўзгарди. Шаҳар ичи, шаҳарлараро ва халқаро каналлар билан боғланиш тезлашганини-ку қўяверинг. Ана шундай имкониятдан фойдаланувчилар сафи кенгайиб, мавжуд мижозларнинг 91 фоизини қамраб олди.

Хорижий шериклар янги ускуналарни монтаж қилишдан тортиб, мутахассисларни ўқитиб беришгача бўлган жараёнларда фаоллик кўрсатишгани боис янгилик қисқа фурсатда ўз ўрнини топди. Германияга бориб, «Алкател»ни ишлатиш сирларини яқиндан ўрганиб қайтган наманганлик алоқачи-муҳандислар немислар билан бемалол беллаша оладиган даражага етишди, десак муболаға бўлмайди. Бўлмаса, ишига ниҳоятда пухта бу шериклар оддий муҳандис Муталли Раҳимовни фирманинг сервис марказига раҳбар қилиб қўйишармиди?

Тизимдаги янги технология шарофатини хонадонларга телефон хизматининг қўшимча турлари кириб боришида ҳам кўриш мумкин. Мижозлар айни пайтда станция техник имкониятларининг жуда оз қисми миқдорида, яъни 12 та хизмат туридан фойдаланишаётган бўлса-да, уларга қизиқиш катта. Чунончи, минглаб кишилар «Соат-қўнғироқ», «Тилсим», «Чақирув рақамини аниқлаш» сингари хизматлар ўзларига катта қулайлик яратиб бераётганини таъкидлашмоқда.

— Фаолиятимизга «Алкател»нинг кириб келиши техник-иқтисодий кўрсаткичларимиз яхшиланишига олиб келди, — дейди ҳиссадорлик жамияти бош директори Камолхон Боқиев. — Эндиликда наманганликларга йилига бир миллиард сўмлик миқдорда хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлдик.

Жаҳонда телефондан фойдаланаётган кишиларнинг тўртдан бир қисмига хизмат кўрсатаётган «Алкател» вакиллари наманганлик ҳамкасбларининг ҳақиқий шерик бўла олишларига ишонч ҳосил қилишди. Шунинг учун вилоятда навбатдаги лойиҳаларни рўёбга чиқариш таклифини билдиришяпти. Хусусан, вилоят телекоммуникация тармоғи инфратузилмасини қайта жиҳозлаш тадбирларининг кейинги босқичи бошланадиган кунлар яқин. Яна бир лойиҳа эса Тошкентга борадиган автомобил йўлининг Камчиқ довони қисмини телефонлаштиришни ўз ичига олган.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Халқаро Валюта фонди ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қўшма баёноти

**Халқаро Валюта фондининг доимий вакили жаноб Розенбергнинг жўнаб кетиши муносабати билан юзага келаётган масалалар юзасидан Халқаро Валюта фонди Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан биргаликда қуйидагиларни маълум қилади:**

**Жаноб Розенбергнинг жўнаб кетиши унинг доимий вакил сифатидаги ваколатлари апрел ойида тугаши билан боғлиқдир. ХВФ Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик қилишга ва ёрдам кўрсатишга тайёр эканини тасдиқлайди. ХВФ ваколатхонаси офисда қолаётган ходимлари орқали Ўзбекистондаги фаолиятини давом эттиради. Айни пайтда ХВФ техник ёрдам кўрсатиш ва ҳукумат мансабдор шахслари билан яқин мулоқот олиб бориш учун мунтазам равишда штаб-квартирасидан экспертлар йўллаб туради.**

**Президент Ислом Каримов 2001 йилнинг 30 мартида ХВФ ижрочи директори жаноб Кёллерга йўллаган мактубида Ўзбекистон ҳукумати иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш тарафдори экани ҳамда ХВФ билан ушбу жараёнларни жадаллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлигини тасдиқлади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ХВФга фонд ходимлари томонидан амалга оширилаётган мониторинг дастурини муҳокама қилиш учун Ўзбекистонга 2001 йилнинг май ойида миссия йўллаш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат этди.**

***<u>Ёшлик... Инсон умрининг баҳори деб аталадиган шу давр жуда ўзига хос-да. Кўпчилик уни салгина шамолга эгиладиган навниҳолга ўхшатса, айримлар харсанг тош ҳам йўналишини ўзгартириши мумкин бўлган жилғага қиёслашади. Демак, ёшларнинг катталардан фарқи шундаки, уларда қатъий дунёқараш, мустақил фикр шаклланаётган бўлади. Ва ўзига йўл-йўриқ кўрсатувчи етакчига муҳтожлик сезади.</u>***

# Юртимиз иқболи

## ёшлар камолоти ила порлоқдир

Бугунги кун ёшларининг фаоллигини, интилувчанлиги, ташаббускорлиги, Ватан равнақи учун курашчанлигини оширишда етакчиларнинг ўрни беқиёс эканлиги ҳам шундан. Билъакс, Ватан — инсоннинг киндик қони тўкилган замин, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскандир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишларнинг жиловини бевосита қўлга оладиган янги нодавлат, нотижорат ташкилот — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилаётир.

Айтиш мумкинки, ана шу ташкилий жараёнда ҳиссиётга берилаётганлар ҳам йўқ эмас. Ёшлар ҳаракати, таъкидлаганимиздек, нодавлат ташкилоти, у мафкурадан бутунлай холи бўлади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: «Мактаб ўқувчиси жиноят билан қўлга тушди. Ота-она деган ўз фарзандини назоратга олса бўлмайдими?» дейишди ўқитувчилар. «Мактаб ўлгурдагилар тузукроқ сабоқ берганида, ўғлим шу кўчага кириб кетмасди», жиғи-бийрони чиқди онанинг. «Шу ёшлар билан шуғулланиши керак бўлган ташкилотдагилар умуман ишламайди-да, фақат буйруқбозлик билан овора, фалсафа сўқди ота. Тушуниб турибсиз, буларнинг бари икки оёқ бир этикка тиқилгандаги ҳиссиётлар.

Хўш, аслида бу хунук оқибатнинг ҳақиқий сабаблари нималардан иборат? Албатта, кескин қўйилган ҳар қандай саволга дангал жавоб бериш учун, масаланинг моҳиятига чуқур ёндашиш талаб этилади. Шундай эса-да, дастлабки жавоб тариқасида “Бир болага етти маҳалла ота-она” мақоли ва унинг замирига яширинган мағизли хулосалар хаёлингизга келган бўлиши керак.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи йиғилишида ҳам тарбия жараёнида ҳамма бир ёқадан бош чиқариши лозимлиги таъкидланди: **“Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш тарафдоримиз. Биз учун мана шундай йўл маъқул, унинг бошқа муқобили йўқ. Мана шу руҳда, шундай тамойил ва йўналишларга таяниб, ўз болаларимизни, янги авлодни тарбиялашимиз зарур. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз теран англаб олишимиз, уни ёшларимиз онгига ҳам сингдиришимиз керак.**

**...Ватанимизнинг эртанги кунини, шунча машаққатлар чекиб қилган ишларимизнинг мевасини кўрмоқчи бўлган, ўз зурриётларининг бахту иқболини истайдиган ҳар бир одам — у ким бўлиши, қандай лавозим эгаси эканидан қатъи назар, бу масаладан четда турмаслиги керак. Бугун бу ўта муҳим масалага бепарво қарашга, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ”.**

Шунинг учун ҳам мен “Ёшлик — бебошлик” деган гапга қўшилмайман. Ўғли ё қизининг майда қилиқларидан шикоят қилган ўқитувчига юқоридаги иборани ишлатиб, кулиб қўядиган ота-оналар билан муроса қила олмайман. Бугун устозининг стулига “кнопка” қўйган ўсмирнинг “ҳа, ёш-да” деб бошини силасак, эртага у...

Ҳазрат Ибн Синога уч ойлик чақалоқни тарбия қилиб беришини сўраб олиб боришганида, беназир ҳаким бу борада уч ойга кечикканларини айтганини эслайлик. Ана шу фалсафий мушоҳадалардан келиб чиқиб, республикамизда баркамол авлодни вояга етказишга катта эътибор қаратилган. “Соғлом авлод” давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда. Ҳуқуқий-демократик жамият қуриш, маънавий юксалиш йўлидан одимлаётган мамлакатда шундай бўлиши ҳам табиий. Зеро, комил инсон ғояси — ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.



Бу ғоя нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати унинг номидан ҳам маълумки, бу ташкилот ёшлар билан бевосита ишлайди.

Унинг Дастури лойиҳасида ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-қудратини тўла намоён этиши учун зарур шароит яратиш, ёш авлоднинг суянчи ва таянчи бўлиши лозимлиги асосий мақсад сифатида ўрин олгани ҳам шундан. Ҳаракатнинг Низоми лойиҳасида кўрсатилганидек, унинг таркибида етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирадиган Болалар ташкилотининг тузилиши ҳам тарбия жараёнининг узвий-тадрижий ва оммавий мезонларга асосланишига яна бир карра ишорадир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшларга бу қадар эътибор қаратилаётганининг замирида бир нарса ётади: юрт келажаги ҳақида қайғуриш. Ватаннинг эртаси, равнақи эса, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Ўз навбатида ўсиб-улғаяётган ёшларга тоғдек таянчи — Ватани борлигини юракдан ҳис этиши учун кўмаклашишимиз лозим. “Камолот” ижтимоий ҳаракати, даставвал, шунинг учун керак. Чунки Ватани бор одамнинг ғурур-ифтихори юксак, мақсад-муддаолари аниқ бўлади, ҳаётнинг ҳар қандай синовларига тайёр туради. Шунда, юрт қудратли ва фаровон бўлади.

Донишманднинг «Бугунги ёшларнинг кайфияти мамлакатнинг эртанги кунини белгилайди» деган ҳикматомуз сўзларидан хулоса қиладиган бўлсак, сиз билан бизнинг лоқайдликка чек қўйиб, бир ёқа, бир енг бўлишимиз давр талабидир.

**Озод РАЖАБОВ,**
**“Халқ сўзи” шарҳловчиси.**

# Мавсум муваффақиятли якунланди



Андижон вилоятининг Асака туманида чорвачиликни ривожлантиришга масъулият билан ёндашилмоқда. Хусусан, тумандаги «Ғалаба» ширкат хўжалигида қўзилатиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ҳар томонлама тайёргарлик кўрилган эди. Натижа эса кутилганидан ҳам аъло бўлди. 500 бош она қўйнинг ҳар юз бошидан 105 тадан қўзи олинди. Айни кунларда мавжуд қўй-қўзилар яйловда боқилмоқда.

*СУРАТДА: хўжаликнинг бош чўпони Зокиржон Нурматов яйловда.*

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Мактабда ўқитувчи йўқми?

***«Пахтакор» фермерлар уюшмасининг «2-бўлими» деб аталадиган қишлоққа бориб қолдим. Уринибгина қолган кичикроқ бир иморатнинг теварагида гоҳ пешайвон устунларига қоқилиб ва гоҳ оёқ остида ётган темир-терсакларга суриниб болакайлар копток тепишаётган экан.***

Таълим

Яқинроқ бориб билсакки, бу жой — мактаб экан. Аниқроғи, Майна Ҳасанова номли ўрта умумтаълим мактабининг 2-бўлимдаги тармоғи (филиали) экан. Копток сураётганлар бўлса — 4-синф ўқувчилари.

— Ўқитувчиларинг ким... Қаерда? — сўраймиз улардан.

— Муаллимимиз Алимов Исмоил, — деди Мадина исмли бир қизча. — У киши дарс ўтдию-кетди.

Ҳамроҳим — «Пахтакор» фермерлар уюшмаси раиси Исо Холматов соатига қараб:

— Вақт ўндан энди ошипти, — деди. — Жадвалдаги 4 соатлик дарсни бу вақт ичида ўтиб бўлишга қандай улгурипти.

— Уч соат дарсни ўтдилару кетдилар, — деди яна бир ўқувчи. — Охирги, жисмоний тарбия дарсини, мана, ўзимиз ўтаяпмиз, футбол тепаяпмиз.

Қаранг, копток эмас, футбол тепаяптилар. Яна ҳатто дурустроқ текислаб қўйилмаган, бирон туп дарахт ўстирилмаган, тўғриси, ташландиқ жой бўлиб кўринадиган торгина ҳовличада.

— Ўқитувчиларинг ҳамиша шундай қиладими... Дарсни ташлаб кетаверадими? — деб сўради яна Холматов.

Ўқувчилар бир-бирларига қарайдилар — индамайдилар.

Полига шунчаки шағал тўшаб қўйилган иморатнинг иккинчи хонасида эрталабки сменада 1-синф болалари ўқир эканлар. «Ўқитувчи қани?» деб сўрасак, елка қисишади. «Ўқитувчи қаёққадир кетган бўлса, нега сизлар уйга кетмай мактабда ўтирибсизлар?». Ўзини Абдуллаев Яхё, деб таништирган бола «Уйга борсак, онамиз мактабдан ўқимай қайтдиларингми, деб сўрайди», — дея жавоб қилди.

...Ўша ота-она боласи ўқиётган мактабга келиб саволини бироз ўзгартириб, ўқитувчилардан бир оғиз, «Қандай ўқитаяпсизлар ёки нега ўқитмаяпсизлар?» деб суриштирса, салгина сергакроқ бўлса, яхшироқ бўлмасмиди?

Бандихон тумани раҳбарлари ёш авлод тарбиясига ҳамон панжа орасидан қараётганликларини қандай изоҳлаш мумкин?

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Канопчилик: аҳволни ўнглаш мумкинми?

***Ўтган йили Тошкент вилояти ҳокимлигининг қарорига кўра, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларида 1500 гектар ерга каноп экилиши ва 24 минг тонна кўкпоя етиштирилиши ҳамда танқис бўлиб бораётган хомашёдан маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган эди. Хўш, қабул қилинган бу муҳим ҳужжат талаблари қандай бажарилди?***

Тўғрисини айтсак, мавзуга мурожаат қилишимизга вилоят ҳокимлигининг шу йил 16 февралда қабул қилган навбатдаги қарори сабаб бўлди.

«Вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарининг 2001 йилда белгиланган экин майдонлари, ҳосилдорлиги, ялпи ҳосили ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш бўйича истиқбол кўрсаткичлари ҳақида» деб номланган ушбу ҳужжатнинг долзарблиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бу қарорда бошқа экинлар қатори вилоятда мамлакатимиз халқ хўжалиги учун энг муҳим хомашё манбаи ҳисобланган каноп етиштиришни кўпайтириш хусусида ҳам режалар баён қилинган.

Аммо бу ниятларни амалга оширишга муносабат ўтган йилгидай бўлса, режаларнинг бу йил ҳам қоғозда қолиб кетишига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Мақоланинг муқаддимасида айтганимиздек, вилоят ҳокимлиги бултур қабул қилган қарорга биноан, Қуйи Чирчиқ туманида 900, Ўрта Чирчиқ туманида 300, Юқори Чирчиқ туманида 300 гектар ерга каноп экини экиш режалаштирилиб, жами 24 минг тонна кўкпоя олиниши режалаштирилган эди. Лекин йил якунига келиб олинган ҳосил 4900 тоннани ташкил этди, яъни белгиланган режа атиги 22-23 фоиз бажарилди. Хўш, қарорнинг қоғозда қолишига нима сабаб бўлди? Тўғри, об-ҳавонинг ноқулай келиши, қурғоқчилик бошқа экинлар сингари сувни кўпроқ талаб қилувчи каноп учун ҳам таъсир этган бўлиши мумкин.

Аммо аҳволни жиддий таҳлил қилсак, масаланинг бошқа томонлари ҳам яққол намоён бўлади. Айтайлик, қарорда белгиланган миқдордаги майдонларга каноп экилмаганлиги, экинлар парваришига етарли эътибор берилмаганлиги, қолаверса, экинга иккинчи, ҳатто учинчи даражали деб қаралганлиги, хўжалик раҳбарларининг соҳага ўта лоқайдлиги фикримизнинг исботидир. Бир мисол келтирайлик. Канопчиликка ихтисослашган Қуйи Чирчиқ туманининг Беруний номидаги жамоа хўжалигида 2000 йилда 110 гектар ерга каноп экиш, 1650 тонна кўкпоя олиш режалаштирилганди. Йил якунида атиги 160 тонна кўкпоя етиштирилди. Ҳисоб-китоблар кўрсатадики, шунча ҳосилни етиштириш учун

## Қарор қоғозда қолмасин!

110 гектар эмас, балки 10-12 гектар ер кифоя қиларкан. Хўжалик йил бошида «Комил Тўра» хусусий фирмаси билан шартнома тузиб, уни керакли маблағ билан таъминлаб турди.

Йил охирига келиб эса, хўжалик соҳадан мўмай даромад олиш ўрнига фирмадан 5.926.904 сўм қарз бўлиб қолди.

Вилоятда каноп етиштириш ва уни қайта ишлашга ихтисослашган «Комил Тўра» хусусий фирмаси қайси хўжалик билан шартнома тузган бўлса, жамоаларни нафақат пул маблағи, балки турли техника, минерал ўғит ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаб, шартнома шартларини тўлиқ бажариб келди. Лекин бирорта хўжалик шартномани бажармади, ҳатто белгиланган гектарга каноп экмади, натижада улар фирмадан, юқорида номи қайд этилган хўжалик каби, қарздор бўлиб қолишди. Йил якунида хусусий фирма ҳам олинган кредит ҳисобига банкдан катта миқдорда қарз бўлди.

Соҳага нисбатан бундай эътиборсизликни кўриб, айрим далиллар ёдимизга тушди. Тошкент вилоятида бундан 25-30 йил муқаддам 22 минг гектар ерга каноп экилиб, ҳар йили 300-350 минг тоннадан зиёд хомашё олинар эди. Вилоят ҳудудида ўша пайтда 1 та каноп поясини қайта ишлайдиган корхона бўлиб, 37.200 тонна тола ишлаб чиқариларди.

Тола Россия, Болтиқбўйи, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон республикаларига, ҳатто Куба, Никарагуа, Англия, Болгария, Чехословакия ва Полша давлатларига ҳам жўнатилган. Унинг 8-9 минг тоннаси республикамизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилган.

Вилоятдаги бугунги аҳволдан ажабланмасдан иложи йўқ. 2000 йилда атиги 1600 гектар ерга каноп экиш режалаштирилди, амалда бу режа эллик фоиз ҳам уддаланмади. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Қуйи Чирчиқ туманида 13,5 минг тонна ўрнига 3 минг 300 тонна, Ўрта Чирчиқ туманида 4 минг 500 тонна ўрнига 900 тонна, Юқори Чирчиқ туманида эса 6 минг тонна ўрнига 900 тонна кўкпоя етиштирилди.

Мана, жорий йилда ҳам каноп экиш бошланишига саноқли кунлар қолди. Шу ерда бир мулоҳазани билдиришни лозим. Вилоят ҳокимлигининг бу йилги қарорида ҳам Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманларида мутаносиб равишда 900, 300, 300 гектар ерга каноп экилиши кўрсатилган. Шунингдек, мазкур туманлар ҳокимлари ҳам ўз қарорларида қайси хўжаликда неча гектар ерга экин жойлаштирилишини белгилашлари табиий. Агар ҳокимлар ўз қарорлари бажарилишини назорат қилсалар, вилоят ҳокимининг бу йилги қарорининг бажарилиши, аниқ деб ўйлаймиз. Мабодо, бунинг акси бўлиб, бу йил ҳам ўтган йилги аҳвол такрорланса, вилоят ҳокимлигининг келгусида ҳам бу масалага яна қайтишини қандай изоҳлаш мумкин?

Канопчиликнинг аҳамияти ва унинг зарурлиги ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда унинг республикамиз халқ хўжалигида тутган ўрнини таъкидлаш ўринлидир. Биргина пахта саноатини олайлик: уни канопдан тайёрланган маҳсулотларсиз тасаввур қилиш қийин. Брезент, қанор, арқон ва шпагатларнинг ўрни ниҳоятда катта. Мебел, электрокабел, гилам тўқиш, тамакини қайта ишлаш, гидролиз корхоналарини, қолаверса, техник спирт олиш соҳасини канопчиликсиз ривожлантириб бўлмаслиги аён-ку? Шундай экан, бу соҳани қайта йўлга қўйиш муаммоларига шунчаки оддий вазифа сифатида эмас, балки давлат аҳамиятига молик масала сифатида қараш тўғри бўлади. Шу боис туман ва хўжалик раҳбарлари, мутахассислари, тармоққа алоқадор турли мутасадди ходимлар канопчиликка муҳим соҳалардан бири сифатида қараб, унга нисбатан ҳозирги муносабатларини тубдан ўзгартиришлари керак. Ана шунда ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган қарорлар қоғозда қолиб кетмайди.

Яқинда «Комил Тўра» хусусий фирмаси раҳбари, соҳанинг жонкуярларидан бири Эркин ака Тўражонов билан суҳбатлашиб қолдик.

— Луб заводлари хомашё тугаганлиги туфайли январ ойида ишни тўхтатди. Каноп толаси билан ишловчи фабрикаларимиз ҳам узоғи билан май ойигача фаолият кўрсатадилар.

Аҳвол шундай давом этаверса, соҳа мушкул ҳолатга тушиб, унинг завод ва фабрикалари рентабеллиги умуман пасайиб кетиши мумкин, — деди у киши.

Халқимизда: «Ваъда вафоси билан, қарор ижроси билан гўзал» деган нақл бор. Деҳқонларимиз ҳалол меҳнат қилсалар, хўжаликлар шартнома талабларини бажарсалар, ҳокимликлар эса ўз қарорларининг ижросини назорат қилсалар, мамлакатимиз учун муҳим бўлган соҳанинг яна ривожланиб кетишига шакшубҳа йўқ.

**Холмурод ОЛЛОНАЗАРОВ,**
**журналист.**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК СОҲАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ



## ИШОНЧ - БЕБАҲО НЕЪМАТ

***Акциядорлик тижорат “Пахтабанк”нинг молиявий активлари бугунги кунга келиб беқиёс юксалди. Ўзбекистоннинг бош қишлоқ хўжалик банки Халқаро қишлоқ хўжалигини кредитлаш конфедерацияси (КИКА)нинг XXX юбилей Ассамблеяси Тошкентда ўтказилишининг ташаббускори бўлди. Ваҳоланки, банк КИКАга 1999 йилдагина аъзо бўлган эди. Шунга қарамай, жаҳондаги 36 та ва Европа мамлакатларидаги 100 дан зиёд йирик қишлоқ хўжалик банклари раҳбарларининг Ватанимиз пойтахтида тўпланишига бош қўшди.***

***Ушбу халқаро анжуманнинг сиёсий моҳияти шундан иборат бўлдики, Ўзбекистон ва унинг бутун банк тизими «Пахтабанк» тимсолида жаҳон молия ҳамжамиятига янада яқинлашди. Аниқроғи, ҳозирданоқ «Пахтабанк»да «Хиповерейнсбанк» ва «ДГ Германия» банкларининг умумий суммаси 30 млн.Евро миқдоридаги кредит линияларини очиш юзасидан ҳукумат кафолатисиз дастлабки шартномалар тузилди. Бу маблағни республика қишлоқ хўжалик тармоғида кичик ва ўрта бизнеснинг ривожини рағбатлантиришга сарфлаш мўлжалланган. Шундай қилиб, Ўзбекистонда етакчи қишлоқ хўжалик банкининг ташаббуси Европа аграр соҳаси вакилларининг бу банкка бўлган ишончини янада оширди ва мустаҳкамлади. Бундай ишонч эса, жаҳон мезони билан ўлчанганда, энг бебаҳо неъматдир.***

### Ташаббусни рағбатлантирувчи омил

Иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланмиш банк соҳаси ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўп гапирилмоқда ва ёзилмоқда. Чунки, банклар хўжалик юритишга оид ҳар қандай ташаббуснинг рағбатлантирувчи омили, юраги ҳисобланади. Улар майда-йирик пул оқимларини ўзига жалб этиб, мужассамлаштиради, катта айланма маблағга айлантириб, кичик ва йирик корхоналарга кредит сифатида қайтаради. Бошқача қилиб айтганда, банкдаги пуллар хўжалик юритиш равнақи ва ижтимоий тараққиёти учун куч-қувватдир. 1995 йилда “Ўздеҳқонсаноатбанк” негизида ташкил этилган «Пахтабанк» бугунги кунга келиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик корхоналарининг қарийб 90 фоизига хизмат кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалиги эса, маълумки, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ислоҳотларни изчил ривожлантириш ва чуқурлаштиришда пойдевор вазифасини ўтайди. Ҳозир ички товар айланмасининг қарийб 70 фоизи ва валюта тушумларининг асосий қисми қишлоқ хўжалик улушига тўғри келади. Ялпи ички маҳсулотнинг ярмини шу тармоқ етиштириб бермоқда. Демак, нафақат қишлоқда яшаётган 60 фоиз аҳоли, балки бутун мамлакат халқининг турмуш фаровонлиги республика иқтисодиётининг айнан шу тармоғи қай даражада самарали ривожланиб боришига бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг асосий қисмига хизмат кўрсатаётган «Пахта-банк» активлар бўйича Ўзбекистонда иккинчи, акциядорлик маблағи миқдори бўйича эса учинчи энг йирик банк ҳисобланади. Республиканинг ҳамма минтақаларида унинг жами 183 та бўлими бўлиб, 56,5 мингдан зиёд корпоратив мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Йирик муассислари сафида “Ўзпахтасаноатсотиш” акциядорлик уюшмаси, “Ўзқишлоқхўжаликкимётаъминот” давлат акциядорлик компанияси, “Ўзқишлоқхўжаликмашсервис” давлат акциядорлик жамияти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзагросуғурта” компанияси ва бошқалар бор.

Шу билан бирга 2000 йилда банкни бошқариш соҳасида ҳам жиддий ўзгартишлар юз берди. Президентнинг 1998 йил 2 октябрда эълон қилинган “Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ корпоратив бошқарув тизими мустаҳкамланиб бормоқда. Акциядорларнинг ички аудит хизмати ва ички назорат тизимининг роли ўсмоқда. Янгича талабларга мос равишда “Ўзпахтасаноатсотиш” акциядорлик уюшмаси раиси Э.Зикриёев бошчилик қилаётган банк Кенгашининг фаолияти янада фаоллашди, масъулияти ортди. Бу борада, айниқса, “Акциядорлик тижорат банки тўғрисида Низом”, “Акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисида намунавий Низом” ва “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида Низом” муҳим туртки бўлди.

Банкнинг молиявий мустақиллиги кенгайиб бориши, уни бошқаришда акциядорларнинг роли ошиб бораётганлиги қулай иш шароитларини яратмоқда. 2000 йилда банк Кенгаши томонидан кредит, инвестиция, бухгалтерлик ҳисоб-китоблари ва кадрлар сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Банк олдида турган вазифалар, уларни ҳал этиш тадбирлари ва йўл-йўриқлари аниқланди. Фаолият якунлари йилнинг ҳар чорагида банк бошқаруви ва Кенгаши мажлисларида кўриб борилди. Активларга йирик қўйилмаларнинг ҳаммаси банк Кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилди. Буларнинг натижаси банк фаолиятининг асосий кўрсаткичларида ўз аксини топди. Маблағнинг кўпайиши эса банкнинг ривожини акс эттирувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.




### Кўп маблағ катта имконият демакдир!

2001 йил 1 январ ҳолатига кўра, устав ва резерв маблағларидан, соф ва бўлинмаган фойдадан вужудга келадиган умумий маблағ 17,9 млрд. сўмдан ошди ва 52 фоиз кўпайди. Бундай ўсишга асосан соф фойда ва қисман устав маблағининг кўпайиши ҳисобига эришилди.

«Пахта-банк«нинг эълон қилинган устав маблағи 10 млрд.сўмга етди. Мустақиллик йилларида бу кўрсаткич қарийб 100 баравар кўпайиб, 100 млн.сўмдан бугунги кунда 8,4 млрд.сўмни ташкил қилди. Акциядорларнинг қарорига мувофиқ, 2000 йилда банк томонидан акцияларнинг 600 млн. сўмлик VI ва 3 млрд. сўмлик VII эмиссия проспектлари чиқарилди ва рўйхатдан ўтказилди. VI эмиссиянинг муваффақияти тўла таъминланди, VII эмиссия акцияларини жойлаштиришга киришилди. Эълон қилинган устав маблағи шу йилнинг охиригача тўла шакллантирилади.

Маблағнинг кўпайиши билан мутаносиб равишда иқтисодиётга пул йўналтириш ёки банк ходимлари тили билан айтганда, активлар ҳам кўпаяди. У 2001 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 71 млрд. сўмдан ошди ёки бир йилда 36,3 фоиз кўпайди. Бунда аграр секторга йўналтирилган кредит маблағлари 35 фоиз ошди. Кредитларнинг 95 фоизи иқтисодиётнинг аниқ соҳалари – қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, моддий-техника таъминоти ва савдо-сотиқ тармоқларига жалб этилди. «Пахтабанк» ўз маблағлари ҳисобидан Ҳазорасп шакар заводи, Жиззах пластмасса заводи, 2000 йилда ишга туширилган “Каштекс”, “Гурлантекс” ва бошқа улкан объектларга йирик кредитлар қўйилди. Пул маблағлари узоқ муддатга ажратилди.

### Жамғарманинг молиявий агенти

Ўтган йилнинг ноябр ойидан бошлаб мамлакатда қишлоқни техника ва транспорт воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизими ишга тушди. Бу муҳим вазифани бажаришга Молия вазирлиги, «Пахтабанк», “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг”, машина-трактор парклари ва янги ташкил этилган “Ўзқишлоқхўжаликмаш-лизинг” компанияси сафарбар этилди. «Пахтабанк» “Ўзқишлоқхўжаликмаш-лизинг” компаниясининг барча ҳисоб-китобларини амалга оширмоқда, лизинг олувчилар билан лизинг шартномалари, қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқариш ва етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар бўйича тўловлар ва ўзаро молиявий мажбуриятларнинг вақтида бажарилишини назорат қилиб бормоқда.

Банкда иккита бўлимдан иборат махсус бошқарма ташкил этилди. Бири давлат эҳтиёжлари учун харид қилинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юзасидан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси, иккинчиси эса қишлоқни қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш мақсадида янги тузилган жамғарма билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

### Деҳқон бой бўлса...

Ўзбекистонда аграр секторни ислоҳ қилиш бир энг муҳим омилни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу ўринда гап бозор механизмини ишга солишда энг йирик тамойил, яъни шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларининг тадбиркорлик борасидаги ташаббускорлигидан фойдаланиш хусусида бормоқда. Бугунги кунда улар деҳқон хўжалиги, дея аталмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ давлат деҳқонларнинг томорқа ерларини кўпайтирди, чорва моллари, озуқа, уруғлик ва ўғитга эга бўлишлари учун кўмаклашмоқда. Шунинг натижасида ҳозир деҳқон хўжаликларининг кўпчилиги фақат ўз эҳтиёжларини қондириш учунгина эмас, балки сотиш учун ҳам маҳсулот етиштирмоқдалар. Уларнинг аксарияти фермер хўжаликларига айланмоқда. Бугунги кунда фермер ва деҳқон хўжаликлари ихтиёридаги қорамол ва қўй-эчкилар жами мавжуд жониворларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Мамлакатда янги мулкдорларни кредит билан таъминлаш тизими кенгайди. Хусусий тадбиркорларни микрокредит билан таъминлаш механизми ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Бу эса деҳқон ва фермер хўжаликларининг янада ривожланишида катта рол ўйнайди. «Пахтабанк» ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ тадбиркорлари билан ўзаро муносабатларини йўлга қўймоқда. Зеро, Президент таъкидлаганидек, “агар деҳқон бой бўлса, мамлакат ҳам бой бўлади”.

Кичик ишлаб чиқариш фирмаларини, ўрта корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини имтиёзли кредит билан таъминлаш тамойиллари жорий этилди. Ўтган йили шу мақсадда банкда имтиёзли кредит берадиган махсус жамғарма ташкил этилди. Ана шу жамғарма маблағи ҳисобидан қишлоқ тадбиркорларига 860 млн. сўм имтиёзли кредит берилди. Айни чоғда «Пахтабанк»нинг барча молия манбаларидан жами 6,8 млрд. сўм, шу жумладан, ўз ресурслари ҳисобидан 5,6 млрд. сўм ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 1,2 млрд.сўм кредит ажратилди.

### Омонат — пул оқимининг муҳим ирмоғи

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, образли қилиб айтганда, дарёга қуйиладиган беҳисоб ирмоқларни жамлаб, тижорат банклари орқали иқтисодиётнинг реал тармоғига йўналтириш республика банк тизимининг биринчи даражали вазифасидир. Янги-янги омонатларни жалб этишнинг жаҳон банк тизими томонидан 300 йилдан буён шакллантириб келинган тамойили янгилик эмас ва у фоиз ставкасининг миқдорига боғлиқдир. Республика ҳукумати банкнинг солиққа тортиладиган фойда базасини жисмоний шахслар депозитлари суммаси ҳисобига камайтириш орқали бу жараённи рағбатлантирди. Шунинг натижаси ўлароқ, 2000 йилда мамлакат бўйича аҳолининг тижорат банклари депозит базасидаги маблағлари улуши 7,8 фоиздан 15,8 фоизга кўпайган бўлса, «Пахтабанк»нинг ресурслар базасида у 3 баравардан зиёдроқ ортди. Аҳолининг турли қатламлари учун банк томонидан “Нафақа”, “2000”, “Фаровонлик”, “Навниҳол”, “Барака” каби янги омонат турлари жорий этилди. Натижада омонатчилар сони анча кўпайди. Жалб этилган омонатлар эса 4,7 млрд.сўмдан ошди.

Банкнинг жалб этилган депозитлари ҳажми ҳам кўпайди. Агар у ўтган йилнинг бошида 10,9 млрд.сўм бўлган бўлса, 2001 йил 1 январ ҳолатига кўра, 17,3 млрд. сўмдан кўпроқни ташкил этди.

### Шарқ ва Ғарб билан фойдали ҳамкорлик

Ўтган йилнинг ноябр ойида Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган Халқаро қишлоқ хўжалигини кредитлаш конфедерацияси Ассамблеяси чет эл банклари ва молия институтлари билан амалий шерикчиликни йўлга қўйиш бўйича «Пахтабанк» томонидан кўрилган ягона тадбир эмас. У Қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини кредитлаш Осиё-Тинч океани ассоциацияси (АПРАКА) билан ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. «Пахтабанк» бу ташкилотга 1998 йилда аъзо бўлган эди. Бир йил аввал эса телекоммуникациялар халқаро молия тизимига кирди. Бу унинг ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари бўлган мижозларига бутун жаҳон аграр ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиш имконини берди.

Халқаро молия ташкилотларининг кредит линияларини республика аграр секторидаги кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун жалб этиш ишлари фаоллашди. 2000 йилда банк Германиянинг КфВ, ДГ ва «Хиповерейнсбанк» каби банклари, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан кредит битимлари тузиш йўли билан 30 млн. АҚШ доллари ва 34 млн. Евро миқдорида чет эл кредитини жалб этди. Ҳозирги кунда инвестиция лойиҳалари портфели шакллантирилмоқда. Улар асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун ускуналар сотиб олиш билан боғлиқ лойиҳалардир.

«Банко Кооперативо Эспаньол» (Испания), «Креди Агриколь» (Франция), «Интеза СрА» (Италия) банклари гуруҳи ва бошқа чет эл банклари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида меморандум тузилди.

2000 йилда «Пахтабанк» жорий операцияларни (экспорт-импорт бўйича ҳисоб-китоб, жисмоний шахсларнинг маблағларини чет элга ўтказиш, валюта алмаштириш ва бошқалар) ва маблағлар ҳаракати бўйича (вақтинча бўш маблағларни депозитларга жойлаштириш) операцияларни амалга оширди. Банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга (уларнинг сони бир ярим баравар кўпайди) валюта операциялари бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Сўмни хорижий валютага конвертациялаш чоғида форвард операцияси, факторинг ва чекларни инкассация қилиш каби янги хизмат турлари жорий этилди.

Банкнинг ташқи иқтисодий алоқаларга боғлиқ операциялари аввалги йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпайди. Уларнинг асосий қисми «Дойче банк» (Германия), «Банкер Траст», «Чейз Манхеттен банк» ва «Американ Экспресс» (АҚШ) банкларида корреспондентлик ҳисобрақамларига тўғри келади.

Валюта алмаштириш операциялари фаоллашди, пул алмаштириш пунктлари кенгайди. Ҳозир «Пахтабанк» Марказий банкда қайта рўйхатдан ўтган 187 та валюта алмаштириш пунктига эга. Шунинг натижасида ўтган йили алмашув пунктларидаги операциялар ҳажми 1999 йилдагига нисбатан 8 баравардан зиёдроқ кўпайди.

Шарқ ва Ғарбнинг ишбилармон доиралари билан ҳамкорлик қилиш туфайли акциядорлик тижорат “Пахтабанк»ка «Томсон банк Вотч» халқаро мустақил агентлиги рейтинги берилди.

### Бизнес-режа ва тараққиёт стратегияси

Республика ҳукумати 2000 йил якуни бўйича қурғоқчиликдан зарар кўрган қишлоққа ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан мисли кўрилмаган чораларни амалга оширди. Йил якунига мувофиқ, қишлоқ хўжалигида кўрилган зарарни қоплаш учун 2,6 млрд. сўмдан зиёд суғурта тўловлари тўланди. Қурғоқчилик ва сув танқислигидан жабр кўрган хўжаликларнинг 41 млрд.сўмга яқин қарзлари кечиб юборилди. 1998-1999 йилларда етказиб берилган моддий-техник ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун 30 млрд.сўмга яқин кредиторлик қарзлари 8 йилга кечиктирилди ва 2003 йилдан бошлаб тўланадиган қилинди. Шунингдек, хўжаликларнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлови бўйича 2001 йил 1 январгача ҳосил бўлган қарзлари ҳамда 2000 йил ҳосили учун бўнак тўлашга олинган қарзларнинг қопланмайдиган қисми ҳам ҳисобдан чиқарилади.

Юқоридаги далиллардан кўриниб турибдики, 2000 йилда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган аграр сектор давлат томонидан бутун чоралар билан қўллаб-қувватланди. Қишлоққа хизмат кўрсатаётган банк ҳам ана шу барча қийинчилик ва мураккабликларни енгишда қишлоқликларга эш бўлди. Жамоанинг касб маҳорати, вазиятни тўғри баҳолай олиши, бозор мантиғини чуқур идрок этиши ва режани аниқ белгилаши «Пахтабанк»ка воқеалардан бир қадам олдинда бориш ва ўз зиммасига юклатилган вазифани муваффақиятли адо этиш имконини берди. Республика қишлоқ хўжалиги янги асрнинг биринчи йилини ҳар қандай қарзлардан мутлақо холи бўлган ҳолда бошламоқда. Демак, мамлакатимиз бош қишлоқ хўжалик банкининг тўловга қурби етадиган мижозлари янада кўпаяди. Банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари эса 2001 йил учун банк томонидан ишлаб чиқилган ва банк Кенгаши тасдиқлаган бизнес-режа, банк бюджети ва тараққиёти стратегиясида белгилаб қўйилган бўлиб, уни амалга оширишга ҳозирданоқ киришилди.

## Чет эл инвестицияси — қишлоққа

Банк тизими билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйган корхона борки, тараққиёт йўлидан оғишмай олға бораверади. Мисолни узоқдан излашнинг ҳожати йўқ. Бизнинг «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамиятимизда «Пахтабанк»нинг Навбаҳор тумани бўлимининг ёрдами туфайли молиявий аҳвол ижобий томонга кескин ўзгарди.

2000 йил давомида банк бўлими томонидан аниқ мақсадларга йўналтирилган 420 миллион сўм маблағ эвазига корхонамизнинг кредиторлик қарзларини кескин камайтиришга эришдик. Энг муҳими, жамиятимиз аъзолари ойлик иш ҳақларини ўз вақтида, тўлиқ олмоқдалар.

«Пахтабанк» томонидан олиб борилаётган кредит сиёсати тўғрисида ҳам икки оғиз сўз. Банк раҳбарияти кредит ва инвестиция сиёсатини оғишмай амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиб, халқаро молия бозоридаги операцияларни янада кенгайтириш, филиаллар тармоғи ва мижозлар базасини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни маблағ билан таъминлаш, кредитлаш, аҳоли қўлидаги бўш пулларни турли рағбатлантирувчи омонатларга жалб этишнинг янги ва самарали турларини амалиётга жорий этмоқда. Бу эса жойларда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар яратмоқда.

Қолаверса, банк бўлимлари чет эл инвестицияларининг республика қишлоқ хўжалигига тобора кўпроқ кириб келиши ва тармоқнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар «Пахтабанк»нинг обрў ва нуфузини янада ошириб, мижозлари ва акциядорлари сафини кенгайтирмоқда.

Биз ҳам ушбу банкнинг энг йирик акциядорларидан бири ҳисобланамиз. Чунки корхонамиз банкнинг 10 минг 516 дона, яъни 10 миллион 516 минг сўмлик акцияларини сотиб олган. Бундан келаётган дивидендлар эса даромадимизни кўпайтириб, иқтисодий фаолиятимизнинг барқарор бўлишини таъминламоқда. Шу боис биз туманимиздаги барча акциядорлар билан келишиб, 2000 йил ҳисобидан бериладиган дивиденд пулларига ҳам банк акцияларини сотиб олишга қарор қилдик.

**Ҳаёт БЕКМУРОДОВ,**
**Навоий вилояти Навбаҳор тумани «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси.**





## «Пахтабанк» — асосий кўмакчимиз

Республика қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшиб келаётган «Пахтабанк»нинг акциядори бўлиш қанчалик фойдали эканлигини бизнинг пахта тозалаш корхонамиз мисолида яққол кўриш мумкин. Жамоамиз кейинги йилларда қандай ютуқларга эришган бўлса, бунда мазкур банкнинг Зафаробод бўлими ходимларининг хизмати катта. Банк акцияларини сотиб олган дастлабки йилданоқ корхонамиз тараққиёт сари дадил қадам қўйди.

Биз 1997-1998 йиллар якуни бўйича банк томонидан тўланган дивиденд маблағлари ҳисобидан акцияларимиз миқдорини янада кўпайтириб, 20 миллион 354 минг сўмликка етказдик. Бу билан банкнинг устав капиталини кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшишдан ташқари тобора кўпроқ даромад олиш, ўз фаолиятимизни янада ривожлантириш имкониятига эга бўлдик. Жумладан, 1999 йилда олинган 2 миллион 267 минг сўмлик дивиденд маблағини корхонамизнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга йўналтирдик.

Кейинги йилларда банк устав капиталига қўшган улушимизга мувофиқ тўланаётган дивидендлар ҳисобига корхонамизда тикувчилик ва ёғ ишлаб чиқариш цехлари барпо этилди. Энг муҳими, юзлаб қўшимча ишчи ўринлари очилиб, маҳаллий аҳоли, айниқса, ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Айни кунларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқараётган цехлар йилига корхонамизга мўмай даромад келтирмоқда. Масалан, фартук ишлаб чиқарувчи ёрдамчи цехда 7 миллион 455 минг сўмлик хомашё қайта ишланиб, 9 миллион 496 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Натижада 2 миллион сўмдан зиёд соф фойда олинди.

Маълумки, корхонамиз асосан пахта етиштирувчи хўжаликларга хизмат кўрсатади. Биз 2000 йилги пахта ҳосилидан 16 минг 644 тонна хомашё қабул қилиб олиб, йил давомида 7210 тонна сифатли пахта толаси ишлаб чиқардик. Уни чет элга экспорт қилиш мақсадида АҚШ, Италия, Франция, Швейцария, Корея, Австрия, Россия каби йирик хорижий давлатлар билан шартномалар тузилди ва 6189 тонна сифатли тола жўнатилди. Бу билан жамоамиз республиканинг валюта тушумига баҳоли қудрат ўз улушини қўшди. Мана шу хайрли ишларни амалга оширишимизда «Пахтабанк» асосий кўмакчимиз бўлганлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

**Абдухалил АБДУМАЖИДОВ,**
**Жиззах вилояти Зафаробод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси.**



Спорт



# Чиниқиш ғалабага етаклайди

***Навоий кон-металлурия комбинати директори Н. Кучерский номига Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашидан хат келди. Унда таъкидланишича, спортнинг техникавий турларини ривожлантириш бўйича комбинат ўтган йил якунларига кўра, энг намунали жамоа, деб топилган. Мото, парашют, авиамодел спорти усталаридан Ринат Ахмеров, Дониёр Нуржонов, Виталий Кулигинларни фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар кутмоқда.***

Кончилар бундай рағбатларга кўп мушарраф бўлишган.Мотопойга жамоаси мана, бир неча йилдирки республика чемпиони деган номни сақлаб туришибди.

Спортнинг техникавий турлари мусобақалари кўпинча Навоийда ўтказилаётганлиги бежиз эмас. Вилоятда жаҳон талаблари даражасидаги мотопойга ўйингоҳи бор. Картинг, авиамодел, парашют спорти клубларида ҳам имкониятлар етарли.Бу ерда амалий машғулотлар ўтказиш учун 92 та турли хилдаги спорт техникаси мавжуд.Парашют спорти билан шуғулланувчиларга самолёт шай ҳолда турибди. Бугина эмас, вилоятдаги 211 та спорт-техник тўгарагида қатнашаётган 11794 нафар ўсмир ва ёшлар учун ҳам барча воситалар топилади.Чиниқиш мактаблари эса ёшларнинг билим ва маҳоратларини оширишга хизмат қилаётир. Натижалар ҳам ёмон эмас. Кейинги йилларда 10 та спорт устаси, 20 нафар спорт усталигига номзод тайёрланди.

Станислав Дунаев вилоятда спортнинг техникавий турларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган энг тажрибали мураббий сифатида тан олинган. У ёшларни спортга жалб этиш, Қуролли Кучларимиз сафига ботир, билимдон ўғлонларни етказиб бериш бўйича ўзига хос мактаб яратган. Кўп йиллардан бери Зарафшон кон бошқармаси қошидаги техника ижодиёти клубини бошқариб келмоқда. Унинг раҳбарлигида ҳар йили 10 дан ортиқ тўгараклар қатнашчилари — юзлаб спортчилари, турли мусобақаларда фаол иштирок этмоқда.

Кон-металлургия комбинати қошидаги техник клубида мотоциклларнинг ўнлаб турлари бор. Ёшлар уларнинг тузилишию пойгада иштирок этишгача барча жараёнлардан айнан шу ерда воқиф бўлишади. Ҳар йили халқаро миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда фаол қатнашиб, ғолиблар сафида бўлаётган «Металлург» командаси бош тренери А. Заднов шундай дейди:

— Мотоцикл спортига жасур, мард йигитлар кўнгил қўйишади. Меҳринг тушдими, ундан ажралиб кетолмайсан. Энг муҳими, Ватанимизга содиқ, ботир ва оқил инсонлар камол топади.

«Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши кенг жамоатчиликка таяниб, спортнинг техникавий турларини ривожлантириш, янги клуб ва тўгараклар очишга жиддий эътибор қаратмоқда. Яқиндагина фойдаланишга топширилган Саноат коллежи қошидаги радио алоқалар ва автомобил мактабидаги «Денгиз кўп кураши», «Биатлон» тўгараклари шулар жумласидандир.

Навоий шаҳридаги автомобил мактаби ҳар йили 300 дан ортиқ малакали мутахассислар таёрлаб бермоқда. Курсантлар бу ерда ҳунар ўрганиш билан бирга, спортнинг техникавий турларини ҳам ўзлаштиришади.

Улар бепул ётоқхона билан таъминланган, 23 та турли маркадаги машина, замонавий ўқув хоналари, амалий машғулотлар ўтказиш майдончалари спортчилар ихтиёрларида.

Айни пайтда вилоятда «Ватанпарвар»чиларнинг 163 мингдан зиёд ёшларни бирлаштирган 336 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатяпти. Умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлардаги бошланғич ташкилотларнинг мавқеи тобора ошмоқда. Халқ таълими, мудофаа ишлари бошқармалари билан ҳамкорликда тузилган «Ёш саркарда», «Ёш посбонлар» каби ҳарбий-ватанпарварлик клублари сони кўпаймоқда. Улар ўртасида ўзаро мусобақалар, учрашувлар ташкил этилаётир.

— Бизнинг асосий мақсадимиз мамлакатимиз мудофаа қудратини оширишга сафарбар этиладиган ҳақиқий ватанпарварларни тарбиялашга кўмаклашишдан иборат, — дейди вилоят «Ватанпарвар» ташкилоти раиси Саримсоқ Жўрабеков. — Тарихдан маълумки, бобомиз Амир Темур аскарларга ҳарбий усул ва сабоқни болаликдан беришни тавсия қилганлар. Масъулиятли вазифани бажаришда маънавий, ахлоқий тарбия билан биргаликда спортнинг техникавий турлари билан шуғулланиши катта ёрдам бермоқда.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

А.Қодирий кўчасида жойлашган маъмурий биносида локал ахборот-ҳисоблаш тармоғини лойиҳалаш, жиҳозлар етказиб бериш ва созлаш бўйича

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендерда иштирок этиш учун буюртма шакли ва тендер ҳужжатларини ДСҚнинг Бутлаш, капитал қурилиш ва транспорт бошқармасидан,

Тошкент ш., У.Юсупов к., 54-уй, 202-хонадан олиш мумкин. Телефонлар: 144-83-65, 41-41-60.

Тендерда иштирок этиш учун буюртмалар 2001 йил 13 апрел соат 18:00гача қабул қилинади.

Тендер таклифлари 2001 йил 27 апрел соат 18:00гача қабул қилинади.

4013



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

томонидан 2001 йилда республика Халқ таълими вазирлигидан дубликат учун олинган қуйидаги ҳужжатлар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади:

1.1995 йил нусхадаги
АО 404974, 404975, 404976, 404977 - рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳномалар.
2.1995 йил нусхасидаги
АО 240952, 240953, 240954, 240955, 240956 - рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномалар.

3698



ЧП «ХАМИРАЕВ А.Р.»

ЭЛЕКТР ТОВАРЛАРИ 100 хил

КАНЦЕЛЯРИЯ ТОВАРЛАРИ 500 хил

«Нексия», «Дамас», «Тико» учун МОТОР МОЙЛАРИ ва ФИЛЬТРЛАРИ.

Тел.: 50-94-92, 30-83-54.
Кечқурун - 170-83-65, 57-68-09.

3699




## Семизликни кўй кўтаради

Аслида ҳам шундай экан. Суриялик Зиёд Дадуш деган йигит шу даражада семириб кетдики, ўз оёқлари билан аранг 50 метр юра оладиган ҳолатга етди.

22 ёшли бу йигит ҳозир 300 килограмм тош босади. У иккинчи синфда ўқиётган вақтида вазни атиги 70 килограмм эди, холос.

## Алло, бу ошқозонми?

Уяли телефонингизни қаерга қўйганингизни билолмай қолсангиз, нима қиласиз? Албатта, бошқа бир телефондан қўнғироқ қиласиз ва овозидан топасиз. Кениялик ишбилармон йўқолган телефонини топиш учун худди шундай йўл тутди. Телефоннинг овози қаердан чиқди денг, ёнида турган ити — немис овчаркасининг қорнидан. Тадбиркор шу заҳотиёқ итни касалхонага олиб борди. Ветеринарлар ит қорнидан телефон аппаратини бус-бутун чиқариб беришди.



## Лаҳзалик табрик

Бугун ҳар қадамда лаҳзалик лотереялар ўйналаётганига гувоҳ бўласиз. Улардаги махсус бўёқ билан қопланган жойни ўчириб ташласангиз, ютган-ютқазганингизни билиб олаверасиз. Лихтенштейнда эса бу усулни почта маркаларида қўллашга киришилди. Бироқ унда сиз ютмайсиз ҳам, ютқазмайсиз ҳам. Фақат махсус бўёқли жойни ўчирсангиз, у ерда илиқ тилаклар, миннатдорчилик сўзлари ёки табрикка кўзингиз тушади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.




Урганчда 160 ўринли вилоят «Тез тиббий ёрдам» маркази иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ бу ердаги малакали шифокорларнинг беминнат хизматлари эл назарига тушди. Марказнинг ташхис, муолажа хоналари жаҳон андозалари даражасида жиҳозланганлиги ҳам юқори даражада тиббий хизмат кўрсатишга қулайлик яратмоқда.

Сиз суратда кўриб турган Наргиза Отажонова марказнинг жонлантириш бўлимида ишлайди.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Чемпионга нима бўлди?

Футбол бўйича мамлакат ўнинчи чемпионати олий лига жамоалари беллашувларини кузатиб бораётган мухлисларни бугун айнан шу савол қизиқтирмоқда. Ўтган йилги чемпион — "Дўстлик" футболчиларининг қаторасига иккинчи бор майдондан бош эгиб чиқиши ишқибозларнинг безовталанишига сабаб бўлаётир. Пойтахт вилояти «Чарм тўп» усталари бу сафар Қаршида "Насаф"га имкониятни бой беришди. Мазкур ғалабадан кейин қашқадарёликлар турнир жадвалида якка пешқадам бўлиб олишди.

Иккинчи ўринда бораётган "Нефтчи" ўз майдонида йирик ғалабага эришди. "Академия" дарвозасига мезбонлар жавобсиз бешта тўп йўллашди. Худди ана шундай ҳисоб билан тугаган "Бухоро"-"Турон" учрашувидан сўнг майдон эгалари ҳисобига уч очко ёзилди.

Шу турнинг қолган беллашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Семурғ"-"Металлург" 1:1, "Навбаҳор"-"Пахтакор" 0:1, "Сурхон"-"Кимёгар" 1:2, "Қизилқум"-"Зарафшон" 1:0, "Андижон"-"Трактор" 2:1.

Навбатдаги тур ўйинлари 11-12 апрел кунлари бўлиб ўтади.

**Озод БЕК,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


Тошкентда бўлиб ўтади

V ТОШКЕНТ САВДО - САНОАТ ЯРМАРКАСИ

25 - 28 апрел кунлари

"ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО" (Беруний метро бекати)

Ташкилотчилар - Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси,

Ярмарканинг тайёрланиши ва ўтказилишини Тошкент Халқаро бизнес маркази таъминлайди

Кўп тармоқли кўргазма-ярмаркада Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларидаги, узоқ ва яқин хорижий давлатлардаги турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, чет эл фирмалари иштирок этишлари мумкин

Ярмаркада саноат жиҳозлари, халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқариш воситалари, истиқболли технологиялар, инвестиция лойиҳалари, бўш ишлаб чиқариш майдонлари тўғрисидаги маълумотлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари қўйилиши мўлжалланмоқда.

Ярмаркага барча манфаатдор тузилмалар, юридик ва жисмоний шахслар унда намойиш этиладиган маҳсулотлар билан танишиш учун таклиф этиладилар. Ярмаркада иштирок этиш хоҳишини билдирганлар Ярмарка дирекциясига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин :

998(71) 152-6458, 152-6462, 152-6463, факс - 998(71) 152-6461



6-ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО «СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ» КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН, «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»

10-12 апрел

TIHE 2001

Ташкилотчилар:
Тел.: + (998 712) 67 55 04
Факс: + (998 712) 68 67 75
E-mail: uzfair@silk.org

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Тибмаҳсулот» фирмаси

Ишлаш вақти
10 апрел 12:00-18:00
11 апрел 10:00-18:00
12 апрел 10:00-16:00

3976


Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бирлашмаси жамоаси Қарши магистрал каналини ишлатиш бошқармасининг бошлиғи **Бобоназар РАЖАБОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер Воҳидовга волидаи муҳтарамаси **Любовь ВОҲИДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент кимё-технология институти ректорати ва шу институт қошидаги лицей жамоаси лицейнинг кимё ўқитувчиси Раънохон Жўраевага онаси **Каримахон аянинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор қиладилар.

«Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Физика-техника институти лаборатория мудири, техника фанлари доктори М. Турсуновга волидаи муҳтарамаси **Тиллахон ая ТУРСУНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АСАКА» БАНКИ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2001 йил 5 май соат 10.00да

БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ 2000 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БЎЛАДИ.

Манзил: 700015, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 67.

Мулоқот учун телефон 120-81-11.

4008



Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2315, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — Қ. ЭШМАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.30*
1 2 3 4 5 6